Ўзбекистон Республикаси
Рақобат ривожлантириш ва истеъмолчилар
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси

Давлат харидлари ва савдоларда рақобатга зид ҳаракатларни содир қилиш

Тошкент – 2024 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНИ

Рақобат қўмитаси

Қонуннинг мақсади давлат харидлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат

Ушбу Қонуннинг амал қилиши:

- Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурида ва бошқа давлат дастурларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган лойиҳаларни рўёбга чиқариш чоғида амалга ошириладиган давлат харидларига;

- давлат буюртмачиларининг хўжалик фаолиятини юритиш чоғида амалга ошириладиган давлат харидларига;

- Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими бюджетларининг, шунингдек бюджет ташкилотларида ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган давлат харидларига;

- Давлат томонидан қўриқланиши лозим бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасида мудофаа қобилиятини, хавфсизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш учун давлат харидлари, давлат сирлари билан боғлиқ бўлган давлат харидлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларига, Ўзбекистон Республикасининг референдумларига тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш учун давлат харидларини амалга ошириш тартиби қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликдаги асосий ўзгаришлар

Рақобат қўмитаси

- Корпоратив буюртмачилар қонун билан қамраб олинди
- Давлат харидларида коррупцияга йўл қўймаслик принципи моддаси Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни талабларидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқилди ва янада такомиллаштирилди
- Бенефициар мулкдор тушунчаси киритилиб, давлат харидларида инсофли рақобат муҳитини яратиш мақсадида харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари ва давлат харидлари ижрочиларига ўзларининг бенефициар мулкдорларини очиқлаш мажбурияти юклатилди
- Давлат буюртмачиларига давлат харидларини амалга оширишда афилланганлик бўйича маълумотларни тақдим этиб бориш мажбурияти юклатилди
- Харид қилиш тартиб-таомилларининг давлат назоратини амалга оширувчи органлар таркибига Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги киритилди
- Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига давлат харидларни аудитдан ўтказиш ва ҳар йилнинг якуни бўйича аудит натижаларини очиқ ахборот манбаларда эълон қилиб бориш ваколати берилди

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИДА АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Рақобат қўмитаси



бенефициар мулкдор — пировардида мулк ҳуқуқларига эгалик қиладиган ёки товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчини амалда назорат қиладиган жисмоний шахс;

давлат буюртмачиси — давлат харидларини амалга оширувчи юридик шахс;

давлат харидлари — давлат буюртмачиларининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини пулли асосда таъминлаш жараёни;

давлат харидларининг субъектлари — давлат буюртмачиси, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси, давлат харидларининг ижрочиси, харид комиссияси, давлат харидлари электрон тизимининг оператори, ихтисослашган ташкилот ва эксперт, эксперт ташкилоти;

электрон давлат харидлари — ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат харидларини амалга ошириш шакли;

Рақобат тўғрисидаги қонунчиликдаги асосий ўзгаришлар

Рақобат қўмитаси

- Барча турдаги савдолар (харид ёки сотиш) қонун билан қамраб олинди
- Савдолар жараёнида рақобатга қарши келишув ва ўзаро мувофиқлаштирилган ҳаракатлар чекланди
- Нарх алгоритмидан, яъни товарлар нархларини олдиндан белгиланган параметрларга асосан мониторинг қилиш, ҳисоблаш имкониятини берувчи дастурий таъминотлардан фойдаланиш таъқиқланди
- Савдолар соғлом рақобат муҳитида амалага оширилганда уларнинг натижаси бўйича шартнома тузишдан асоссиз равишда бош тортиш таъқиқланди
- Савдолар жараёнида фақатгина аффилланган ёки ўзаро манфаатдор шахсларнинг айни битта лотда иштироки таъқиқланди
- Ўзаро манфаатдорлик тушунчаси киритилди
- Рақобат қонунчилигини бузганлик учун савдолар бошланғич нархининг 3% миқдорида молиявий жарималар белгиланди

Ўзбекистон Республикаси «Давлат харидлари тўғрисида»ги ва «Рақобат тўғрисида»ги Қонунлари ва бошқа қонунчиликда давлат харидлари жараёнидаги чекловлар



01 Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлари тўғрисидаги Қонуннинг 46-моддасида давлат харидлари жараёнидаги чекловлар

02 Ўзбекистон Республикасининг Рақобат тўғрисидаги Қонуннинг 29-моддасида Савдоларда рақобатни чеклашга қарши талаблар

03 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги «Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 276-сон қарори

04 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 январдаги 46-сон қарори билан тасдиқланган Қурилиш соҳасида пудрат ташкилотларини белгилаш бўйича электрон давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом талаблари

Давлат харидлари жараёнидаги чекловлар

Рақобат қўмитаси

Давлат харидлари жараёнида қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

- агар иштирокчининг ва (ёки) ушбу иштирокчи ваколатли вакилининг яқин қариндошлари ижрочини танлаш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлса, шунингдек давлат буюртмачисининг ёки у томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилотнинг вакили бўлса, иштирокчининг давлат харидларида иштирок этишига;
- иштирокчиларни камситишга, бошқа иштирокчиларга зарар етказган ҳолда бир иштирокчига имтиёзлар ёки преференциялар тақдим этишга
- манфаатлар тўқнашувига;
- давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатли бўлмаган усулларини қонунга хилоф равишда танлашга, давлат харидлари субъектларига таъсир ўтказишга, давлат харидларида иштирокчиларнинг иштирок этиши тўғрисидаги ахборотни ошкор этишга, уларнинг сонини асоссиз равишда чеклашга ёки уларнинг малакасига қўйилган талабларни оширишга, рақобатга йўл қўймасликнинг, уни чеклашнинг ёки бартараф этишнинг бошқа шаклларига;
- давлат харидлари ўтказилиши тўғрисидаги эълоннинг матнига иштирокчилар ўртасида рақобатни чеклайдиган қонунга хилоф талабларни киритишга;
- нархларни ёки иштирокчиларни саралаш натижаларини бузиб кўрсатиш мақсадида иштирокчиларнинг олдиндан тил бириктиришига;

Давлат харидлари жараёнидаги чекловлар

Рақобат қўмитаси

Давлат харидлари жараёнида қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

- ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган ахборотни тақдим этишга ёки тарқатишга, шунингдек давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишни асоссиз равишда чеклашга;
- давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатга асосланган усулларини четлаб ўтиш мақсадида давлат харидлари ҳажмини қисмларга бўлиб ташлашга;
- иштирокчиларнинг сунъий тарзда пасайтирилган нархлар бўйича таклифлар беришига, кейинчалик шартномани имзолашни ёки уни тегишли тарзда бажаришни рад этишига;
- давлат хариди таркибига технологик ва функционал жиҳатдан ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлмаган товарларни (ишларни, хизматларни) киритишга;
- фирибгарлик, сохталаштириш ва коррупциянинг намоён бўлишига;
- молиялаштириш манбалари ва миқдорлари мавжудлиги тўғрисида тасдиқларга эга бўлмаган ёки ажратилган маблағлар ҳажмидан ортиқ миқдордаги давлат харидларини амалга оширишга.

Савдоларда рақобатни чеклашга қарши талаблар

Рақобат қўмитаси

Савдоларда рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар, шу жумладан қуйидагилар тақиқланади:

- савдоларни ўтказишнинг қонунчиликда белгиланган тартибини бузиш;
- савдолар иштирокчиларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;
- савдоларнинг битта ёки бир нечта иштирокчисига савдоларда иштирок этиш учун имтиёзли шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан ахборотдан фойдаланиш орқали имтиёзли шарт-шароитлар яратиш;
- савдоларга оид ҳужжатларга ва қоидаларга, шу жумладан эълоннинг матнига иштирокчилар ўртасида рақобатни чеклайдиган ёки чеклашга олиб келиши мумкин бўлган талабларни киритиш;
- савдоларнинг ўтказилиш жараёнига ва натижаларига таъсир кўрсатиш;
- савдоларда талабнинг ўзгаришига, нархларнинг сунъий равишда оширилишига олиб келиши мумкин бўлган ёлғон, асоссиз маълумотларни тарқатиш;
- савдоларнинг операторлари ва (ёки) ташкилотчилари ва (ёки) буюртмачилари ва (ёки) савдолар иштирокчилари томонидан рақобатга қарши келишувларни ҳамда мувофиқлаштирилган ҳаракатларни амалга ошириш;

Савдоларда рақобатни чеклашга қарши талаблар

Савдоларда рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар, шу жумладан қуйидагилар тақиқланади:

- электрон тарзда ўтказиладиган савдоларда нархларнинг сунъий равишда шакллантирилишига олиб келадиган нарх алгоритмидан, яъни товарлар нархини олдиндан белгиланган параметрларга асосан мониторинг қилиш, ҳисоб-китоб қилиш, белгилаш ва назорат қилиш имкониятини берувчи дастурий таъминотдан фойдаланиш;

- савдоларда савдо шартларини бир неча марта бажармаслик натижасида товарнинг нархларини рақобат мавжуд бўлганда шаклланган нархлардан (талаб, таклиф ёки ишлар ҳажмидан) анча ошириш;

- буюртмачининг ёки сотувчининг савдолар натижаларига кўра шартнома тузишдан асоссиз равишда бўйин товлаши.

Савдоларда рақобатни чеклашга қарши талаблар

Рақобат қўмитаси

Энг яхши таклифларнинг танловларида, тендерларда, аукционларда ва бошқа савдоларда рақобатни чеклайдиган ёки чеклашга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар, шу жумладан қуйидагилар тақиқланади:

- савдоларда иштирок этиш учун хўжалик юритувчи субъектлардан ҳужжатлар қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш ёки савдоларда иштирок этиш учун ҳужжатларни тақдим этишга тўсқинлик қилиш;
- савдолар иштирокчиларини асоссиз равишда четлаштириш ёки уларнинг сонини асоссиз равишда чеклаш;
- савдолар предметига технологик ва функционал жиҳатдан алоқадор бўлмаган қўшимча товарларни лотлар таркибига киритиш;
- товарнинг аниқ ишлаб чиқарувчисини кўрсатиш, бундан товарларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги ҳоллари ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳоллар мустасно;
- бошқа иштирокчи ғолибга айланиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида савдоларда таклифлар билан иштирок этиш;
- савдолар иштирокчиларига асоссиз талаблар қўйиш, шу жумладан уларнинг малакасига нисбатан рақобатни чеклайдиган ёки чеклашга олиб келиши мумкин бўлган талаблар қўйиш;
- савдолар предметининг нархларини таклифлар киритиш йўли билан, савдолар тугагунига қадар ушбу таклифларни олиб ташлаган ҳолда ошириш ёки пасайтириш;
- савдоларда айни бир лотда фақат аффилланган шахсларнинг ёки ўзаро манфаатдор шахсларнинг иштирок этиши;
- савдоларнинг операторлари ва (ёки) буюртмачилари ва (ёки) ташкилотчилари ва (ёки) комиссия аъзолари билан ўзаро манфаатдор бўлган ёхуд улар билан аффилланган шахсларнинг савдоларда иштирок этиши.

Савдоларда рақобатни чеклашга қарши талаблар

Рақобат қўмитаси

Энг яхши таклифларнинг танловларида, тендерларда, аукционларда ва бошқа савдоларда рақобатни чеклайдиган ёки чеклашга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар, шу жумладан қуйидагилар тақиқланади:

- **Савдоларни ўтказиш чоғида рақобатга зид бўлган манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳоллар, шу жумладан қуйидаги ҳоллар ўзаро манфаатдорлик деб эътироф этилади:**
- **савдоларнинг икки ва ундан ортиқ ўзаро аффилланмаган ёки бошқача тарзда ўзаро боғлиқ бўлмаган иштирокчиларининг таклифлари айни бир қонуний вакил томонидан берилганда;**
- **савдолар иштирокчиларининг бир-биридан бевосита ёки билвосита субсидия ва бошқа молиявий ёрдам олиш тўғрисидаги келишуви мавжуд бўлганда ёхуд шундай ёрдам олинганда;**
- **айни бир лотда иштирок этаётган савдолар иштирокчиларининг таъсисчилари ўртасида ёки буюртмачининг вакили ёки ташкилотчи ёхуд оператор ўртасида ёхуд савдолар комиссиясининг аъзоси ўртасида ва мазкур савдолар иштирокчисининг вакили ёки муассиси ўртасида яқин қариндошлик алоқалари мавжуд бўлганда;**
- **шахсда (савдолар иштирокчисида, буюртмачисида, ташкилотчисида, операторида, комиссияси аъзосида) таклифлар тўғрисидаги ахборотни олиш ёки таклифларга ва (ёки) бошқа шахс билан (савдолар иштирокчиси, буюртмачиси, ташкилотчиси, оператори, комиссия аъзоси билан) ўзаро муносабатларга эга бўлган учинчи тараф орқали қарорлар қабул қилинишига таъсир ўтказиш имконияти мавжуд бўлганда.**

Ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида белгиланган рақобатни чеклашга қарши талабларнинг бузилиши савдолар натижалари бўйича қабул қилинган қарорларни ва тузилган шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади.

Баҳолаш мезонларига ва тартиб-таомилларига тааллуқли қоидалар

Рақобат қўмитаси

Иштирокчиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича давлат харидларига тааллуқли бўлган таклифларини баҳолаш мезонларида:

- Давлат буюртмачиси томонидан белгиланадиган давлат хариди шартларида иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш мезонлари, уларнинг нисбий қиймати, баҳолаш тартиб-таомиллари доирасида баҳолаш мезонларини қўллаш тартиби бўлиши керак.

- **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.05.2022 йилдаги 276-сон қарорига асосан:**

- **Танлаш** таклифининг техник ва нарх қисми бўйича давлат буюртмачисининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини қондириш учун таклифнинг ҳар бир қисмини баҳолаш аҳамиятига қараб нисбий қиймати белгиланади.

- Балл усулидан фойдаланганда **танлаш** таклифининг ҳар бир баҳолаш мезони бўйича нисбий қиймат белгиланиши мумкин. Энг паст нарх усулидан фойдаланганда иштирокчининг танлаш таклифи танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган талабларга мос келиши ёки мос келмаслигини аниқловчи мезонлар белгиланиши мумкин.

- **Тендер** таклифининг техник ва нарх қисми бўйича давлат буюртмачисининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини қондириш учун таклифнинг ҳар бир қисмини баҳолаш аҳамиятига қараб нисбий қиймати белгиланади.

- Балл усулидан фойдаланганда **тендер** таклифининг ҳар бир баҳолаш мезони бўйича нисбий қиймат белгиланиши мумкин. Энг паст нарх усулидан фойдаланганда иштирокчининг таклифи тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган талабларга мос келиши ёки мос келмаслигини аниқловчи мезонлар белгиланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 январдаги 46-сон қарори

Рақобат қўмитаси

Қурилиш соҳасида пудрат ташкилотларини белгилаш бўйича электрон давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом

- мақсадли дастурларга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими бюджетларининг, шунингдек, бюджет ташкилотларида ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларни (кейинги ўринларда — объектлар) лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун лойиҳа-қидирув ва пудрат ташкилотларини фақат давлат харидлари электрон тизимининг электрон тендер савдолари платформаси (кейинги ўринларда — платформа) орқали рейтинг кўрсаткичлари асосида аниқланиш белгиланди.
- тендер савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағлар бўлиши ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси талаби бекор қилинди.
- объектнинг бошланғич нархидан 2 фоиздан ортиқ бўлмаган тендер таклифни таъминлаш кафолат суммасини лойиҳа-қидирув ва пудрат ташкилоти томонидан платформа операторининг ҳисобрақамига ўтказиш ва тендер якунидан сўнг лойиҳа-қидирув ва пудрат ташкилотининг ҳисобрақамига автоматик равишда қайтариш тизими жорий этилди.
- харид комиссияси фаолияти бекор қилиниб, унинг функциясини платформа томонидан автоматик равишда амалга оширилди
- қурилиш соҳасидаги давлат харидларини (кейинги ўринларда — харидлар) амалга оширишда умумий ва техник қисмлар бўйича маълумотни тақдим этиш талаб этилмайди;
- давлат буюртмачиси, лойиҳа-қидирув ва пудрат ташкилотининг аффилланганлик хусусияти автоматик равишда текширилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 январдаги 46-сон қарори

Рақобат қўмитаси

Қурилиш соҳасида пудрат ташкилотларини белгилаш бўйича электрон давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом

- харидлар жараёнларида жорий йил учун молиявий мажбуриятлар ҳажми лойиҳа-қидирув ва пудрат ташкилотининг сўнгги уч йиллик ҳисобот даврининг бир йилида бажарилган энг йирик ишлар ҳажмининг 2 бараваридан ошган оферентлар иштирок этишига йўл қўйилмайди;
- тендер натижалари бўйича ғолиб деб топилган лойиҳа ва пудрат ташкилотлари ишлар (хизматлар) нархининг камида олтмиш фоизини ўз кучи билан бажариши шарт;
- платформага электрон шаклда тақдим этиладиган маълумотларнинг ҳаққонийлиги бўйича тегишли вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари жавобгар ҳисобланиши белгиланган
- Мазкур Низом давлат буюртмачиларининг бир пудрат шартномаси бўйича қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 6000 бараваридан ортиқ бўлган қурилиш соҳасидаги электрон тендерларга нисбатан татбиқ этилади.
- Давлат буюртмачиси электрон тендерларни операторлар орқали онлайн режимда ўтказади.
- Тендер предметининг бошланғич нархи (ҚҚС билан) базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 000 бараваригача бўлган электрон тендерларда фақат ўша ҳудуд (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри)да юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган талабгорлар қатнашади (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ягона ҳудуд деб қабул қилинади).
- Тендер предметининг бошланғич нархи (ҚҚС билан) базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 000 баравари ва ундан юқори бўлган объектлар ҳамда III ва IV хавф-хатар тоифасидаги объектлар бўйича ўтказиладиган электрон тендерларида ҳудудий чеклов татбиқ этилмайди.

Тендер натижалари бўйича шартнома тузиш

Тендер натижалари бўйича шартнома тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва шартнома тузилаётган тендер иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Ғолиб шартнома тузишдан бош тортган тақдирда унга закалат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нархда (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги ғолиб шартнома тузишдан бош тортса, давлат буюртмачиси янги тендер ўтказади.

Тендер натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ РАҚОБАТГА ҚАРШИ ХАРАКАТЛАРИ

2023 йил давомида давлат харидлари жараёнлари бўйича олиб борилган назорат ишлари



2023 йил давомида аниқланган рақобатга қарши харакатлар



Давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатга қарши харакатлари

Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик учун молиявий жарималар белгиланди



- рақобатни чекловчи **келишувлар** (картел), **иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш, монопол мавқе ва юқори музокара устунлигини суиистеъмол қилиш, стратегик аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар нархларини асоссиз равишда оширганлик** – товар айланмасининг **5 фоизи**;
- оммавий **савдоларга доир** талабларни бузиш – савдо предмети бошланғич қийматининг **3 фоизи**;
- **инсофсиз рақобатни** содир этиш – товар айланмасининг **2 фоизи**;
- корхоналарнинг **қўшилишида** рақобат қонунчилигини бузиш – БҲМнинг **1000 баравари** миқдорида молиявий жарима қўлланилади;

Рақобатга қарши харакатларни аниқлаш жараёнлари

1. Оммавий ахборот воситалари орқали маълумотлар келганда
2. Қўмитанинг назорат функциялари доирасида ўрганиш ўтказиш жараёнида
3. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини ўрганиш жараёнида
4. Ҳукукни мухофаза қилувчи органлар томонидан жалб қилинган ҳолда ўрганиш ўтказиш



ХАРИДЛАР ЖАРАЁНИДА АНИҚЛАНАЁТГАН РАҚОБАТНИ ЧЕКЛОВЧИ ОМИЛЛАР

Иштирокчиларнинг сунъий тарзда пасайтирилган нархлар бўйича таклифлар бериши, кейинчалик шартномани имзолашни ёки уни тегишли тарзда ижро этишни рад этиши

Давлат хариди таркибига технологик ва функционал жиҳатдан ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлмаган товарларни (ишларни, хизматларни) киритиш

Давлат харидларида Манфаатлар тўқнашувини ёки аффилланганлик ҳолатларини келтириб чиқариш

Нархларни ёки иштирокчиларни саралаш натижаларини бузиб кўрсатиш мақсадида иштирокчиларнинг олдиндан тил бириктириши


Давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатга асосланган усулларини четлаб ўтиш мақсадида давлат харидлари ҳажмини қисмларга бўлиб ташлаш

савдолар иштирокчиларининг фаолиятини мувофиқлаштириш

Давлат харидлари субъектларига таъсир ўтказиш, уларнинг сонини асоссиз равишда чеклаш ёки уларнинг малакасига қўйилган талабларни ошириш

Давлат буюртмачиси томонидан белгиланадиган давлат хариди шартларида иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш мезонлари, уларнинг нисбий қиймати, баҳолаш тартиб-таомиллари доирасида баҳолаш мезонларини қўллаш тартибини бузиш

Давлат харидларини рақамлаштириш



2022 йил давомида давлат буюртмачилари томонидан амалга оширилган давлат харидлари тўғрисида

М А Ъ Л У М О Т

Млрд сўмда

№	Харид тури	Республика бўйича жами:					шундан:														
							Бюджет буюртмачилари					*Корпоратив буюртмачилар**					*Йирик давлат корхоналари **				
		Битим сони	Бошланғич битим суммаси	Битим суммаси	Фонда	Иқтисод қилинган маблағ	Битим сони	Бошланғич битим суммаси	Битим суммаси	Фонда	Иқтисод қилинган маблағ	Битим сони	Бошланғич битим суммаси	Битим суммаси	Фонда	Иқтисод қилинган маблағ	Битим сони	Бошланғич битим суммаси	Битим суммаси	Фонда	Иқтисод қилинган маблағ
1	Электрон дўкон	837 868	14 348,8	11 402,7	5,6%	2 946,1	557 378	4 734,7	3 647,8	5,2%	1 086,9	249 589	4 535,7	3 580,1	6,1%	955,6	30 901	5 078,4	4 174,9	5,5%	903,6
2	Электрон аукцион	63 933	2 652,1	2 123,8	1,0%	528,3	38 940	890,5	687,9	1,0%	202,6	19 731	1 218,5	1 012,0	1,7%	206,6	5 262	543,1	423,9	0,6%	119,1
3	Кооперация портали	50 100	12 310,6	11 846,2	5,8%	464,4	4 391	228,6	228,6	0,3%		24 410	2 503,9	2 361,1	4,0%	142,8	21 299	9 578,1	9 256,5	12,2%	321,6
4	Электрон танлов *(энг яхши таклифларни танлаш)*	78 784	19 724,5	17 649,8	8,6%	2 074,7	60 358	8 698,0	8 206,0	11,8%	492,0	16 737	7 768,5	6 822,8	11,5%	945,7	1 689	3 258,0	2 621,0	3,5%	637,0
	шундан																				
	Ундан ижтимоий шартномалар (танлов)	*420*	*321,7*	*321,7*	*0,2%*		*420*	*321,7*	*321,7*	*0,5%*											
5	Электрон тендер	12 232	40 045,2	31 790,6	15,5%	8 254,7	11 990	18 445,2	14 976,5	21,5%	3 468,7	115	2 806,8	2 565,5	4,3%	241,3	127	18 793,3	14 248,6	18,8%	4 544,7
6	Биржа савдоларида юкори ликвидли ва монопол турдаги махсулотларни сотиб олиш электрон платформаси оркали *(17.03.2021 йилдаги ПК-5031-сон)*	14 835	14 461,5	14 461,5	7,1%							2 911	818,9	818,9	1,4%		11 924	13 642,5	13 642,5	18,0%	
7	Ягона етказиб берувчи билан амалга оширилаётган	101 462	29 486,5	29 486,5	14,4%		81 657	8 251,2	8 251,2	11,9%		17 680	18 309,6	18 309,6	30,9%		2 175	2 925,8	2 925,8	3,9%	
8	Тўғридан-тўғри шартномалар	346 288	85 782,1	85 782,1	41,9%		308 116	33 592,0	33 592,0	48,3%		32 682	23 699,7	23 699,7	40,1%		5 480	28 490,4	28 490,4	37,6%	
	Жами:	1 505 502	218 811,4	204 543,2	100%	14 268,2	1 062 830	74 840,2	69 590,0	100%	5 250,2	363 815	61 661,6	59 169,5	100%	2 492,0	78 857	82 309,6	75 783,7	100%	6 525,9

2023 йил давлат буюртмачилари томонидан амалга оширилган давлат харидлари тўғрисида

МАЪЛУМОТ

№	Харид турлари	Жами					шундан:																	
							Бюджет буюртмачилари							Корпоратив буюртмачилар							Йирик давлат корхоналари						
											Иқтисод қилинган маблағ							Иқтисод қилинган маблағ						
		Битим сони	Битим суммаси	%	Иқтисод қилинган маблағ	%	Битим сони	Битим суммаси	%	Республика бўйича жами харидга нисбатан %	суммаси	%	Республика бўйича жами харидга нисбатан %	Битим сони	Битим суммаси	%	Республика бўйича жами харидга нисбатан %	суммаси	%	Республика бўйича жами харидга нисбатан %	Битим сони	Битим суммаси	%	Республика бўйича жами харидга нисбатан %	суммаси	%	Республика бўйича жами харидга нисбатан %
Ҳаммаси		1 505 588	253 312,3	100%	8 198,0	3,2%	1 124 446	76 971,2	100%	30,4%	3 638,6	4,7%	1,4%	287 975	72 391,1	100%	28,6%	2 701,4	3,7%	1,1%	93 167	103 950,0	100%	41,0%	1 857,9	1,8%	0,7%
1	Рақобатли усуллар орқали	1 065 909	115 009,0	45,4%	8 198,0	7,1%	733 277	39 883,0	51,8%	15,7%	3 638,6	9,1%	3,2%	248 860	18 174,1	25,1%	7,2%	2 701,4	14,9%	2,3%	83 772	56 951,9	54,8%	22,5%	1 857,9	3,3%	1,6%
1.1	Электрон дўкон	867 659	13 867,6	5,5%	3 386,9	24,4%	620 654	4 893,0	6,4%	1,9%	1 679,0	34,3%	12,1%	200 861	3 941,7	5,4%	1,6%	1 046,9	26,6%	7,5%	46 164	5 032,8	4,8%	2,0%	660,9	13,1%	4,8%
1.2	Электрон аукцион	50 600	1 766,1	0,7%	372,1	21,1%	27 586	603,1	0,8%	0,2%	171,5	28,4%	9,7%	17 954	885,8	1,2%	0,3%	133,6	15,1%	7,6%	5 050	277,3	0,3%	0,1%	67,1	24,2%	3,8%
1.3	Кооперация портали	42 505	14 125,7	5,6%	554,5	3,9%	12 612	656,9	0,9%	0,3%	75,0	11,4%	0,5%	13 247	1 618,8	2,2%	0,6%	161,7	10,0%	1,1%	16 646	11 849,9	11,4%	4,7%	317,8	2,7%	2,2%
1.4	Электрон танлаш	70 005	44 464,1	17,6%	1 563,2	3,5%	55 912	21 940,5	28,5%	8,7%	366,3	1,7%	0,8%	12 100	7 767,0	10,7%	3,1%	934,9	12,0%	2,1%	1 993	14 756,7	14,2%	5,8%	262,0	1,8%	0,6%
1.5	Электрон тендер	16 673	21 282,3	8,4%	2 321,3	10,9%	16 533	11 789,5	15,3%	4,7%	1 346,7	11,4%	6,3%	66	2 631,0	3,6%	1,0%	424,4	16,1%	2,0%	74	6 861,8	6,6%	2,7%	550,1	8,0%	2,6%
1.6	Бирлаштирилган савдолар орқали (юқори технологик ва инновацион тавсифдаги товарлар)	18 467	19 503,2	7,7%										4 622	1 329,9	1,8%	0,5%				13 845	18 173,3	17,5%	7,2%			
2	Рақобатсиз усуллар орқали	439 679	138 303,3	54,6%			391 169	37 088,1	48,2%	14,6%				39 115	54 217,0	74,9%	21,4%				9 395	46 998,1	45,2%	18,6%			
2.1	Якка тартибдаги бир манбали олиш	113 975	54 847,4	21,7%			100 773	12 529,1	16,3%	4,9%				10 148	34 878,1	48,2%	13,8%				3 054	7 440,3	7,2%	2,9%			
2.2	Тўғридан-тўғри шартномалар орқали	325 704	83 455,9	32,9%			290 396	24 559,1	31,9%	9,7%				28 972	19 339,0	26,7%	7,6%				6 336	39 557,9	38,1%	15,6%			

Аниқланган рақобатга қарши харакатлар

Буюртмачи: Тошкент шаҳар ягона буюртма хизмати инжиниринг компанияси

Лойиҳа номи: Миробод туманидаги Транспорт университетининг ҳудудида қўшимча бинолар ва ўкув блокларини куриш ишлари

Лойиҳанинг бошланғич қиймати: 170,0 млрд. сўм

Қонун бузилиши аломатлари

Савдолар ўтказишнинг қонунчиликда белгиланган тартибини бузиш Савдоларнинг битта ёки бир нечта иштирокчисига савдоларда қатнашиш учун имтиёзли шарт-шароитлар яратиб бериш

Аниқланган ҳолат

Тендер савдосида“QURILISH KO'CHMA KOLONNA 017” МЧЖ 70,7 балл тўплаб, 156 899,6 млн. сўм, курилиш якунлаш муддати 365 кун таклифи билан ғолиб бўлишига қарамай буюртмачи ва тендер комиссияси томонидан захира ғолиби “TREST-7” МЧЖ 52,4 балл билан 165 621,7 млн. сўм таклифи *(ғолиб талабгор нархидан 8 722,03 млн сўм юқори нарх)* билан ғолиб деб топилган.

Кўрилган чора

Мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига тегишли чоралар кўриш юзасидан маълумотлар тақдим этилган

Аниқланган рақобатга қарши харакатлар

Буюртмачи: “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ “Кўприккурилиш трести” УК қошидаги 13-Кўприккурилиш отряди
Лойиҳа номи: “Қурилиш монтаж ишлари” бўйича
Лойиҳанинг бошланғич қиймати: 3,7 млрд.

Такрорий қонун бузилиши аломатлари

Иштирокчилар ўртасида аффилланганлик ҳолатлари

Аниқланган ҳолат

Ушбу танлашда ғолиб “GAZMONTAJQURILISH” МЧЖ ва захира ғолиби деб топилган “IZOPOL” МЧЖ ўртасида ўзаро аффилланганлик аломатлари мавжуд, яъни ғолиб ташкилот таъсисчилари ва “IZOPOL” МЧЖ таъсисчилари бир шахслар гуруҳи, шунингдек корхоналар манзили бир хил эканлиги аниқланди.

Кўрилган чора

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ “Кўприккурилиш трести” УК қошидаги 13-Кўприккурилиш отрядига нисбатан ўрнатилган тартибда иш қўзғатилиб танлов натижалари бекор қилинди. Мансабдор шаҳсни маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан баённома расмийлаштирилиб судга юборилди.

Аниқланган рақобатга қарши харакатлар

Буюртмачи: Бухоро Давлат Университети

Лойиҳа номи: Компьютер ва принтер ускуналарини харид қилиш

Лойиханинг бошланғич қиймати: 1 329,62 млн. сўм

Қонун бузилиши аломатлари	Товарнинг аник ишлаб чиқарувчисини кўрсатиш
Аниқланган ҳолат	Принтер ускунасини харид қилишда ушбу ускуна техник параметлари “OKI” ишлаб чиқарувчисининг МФУ MB472dnw моделига, яъни “Рақобат тўғрисида”ги қонунининг 29-моддасига ва “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунининг 27-моддасига зид равишда товарнинг техник параметлари аник бир ишлаб чиқарувчига қаратилган.
Кўрилган чора	Давлат харидларининг очиқлик ва шаффофлик, тортишув ва холислик принципларининг бузилиши, шунингдек танлов (тендер) савдоларини ўтказишда рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар аломатлари мавжудлиги юзасидан Молия вазирлигига хулоса тақдим этилган

Аниқланган рақобатга қарши харакатлар

Буюртмачи: Namangan viloyati Ftiziatriya va Pulmonologiya tibbiy reabilitatsiya markazi
Лойиҳа номи: Shifoxonada davolanayotgan bemorlarga tayyorlanadigan parhez taomlarni tayyorlash uchun autsorsing xizmati
Лойиҳанинг бошланғич қиймати: 1,046 млрд.

Такрорий қонун бузилиши аломатлари	Dastlabki malaka baholash tartibi va mezonlarini buzilishi
Аниқланган ҳолат	Buyurtmachi tomonidan ishtirokchilarning tanlov hujjatlarini “Dastlabki malaka baholash tartibi va mezonlari” qismi bo‘yicha xolisona baholanmaganligi oqibatida O‘zbekiston Respublikasi “Raqobat to‘g‘risida”gi Qonunining 29-moddasi ikkinchi qism: savdolar o‘tkazishning qonunchilikda belgilangan tartibini buzish, savdolarning bitta yoki bir nechta ishtirokchisiga savdolarda qatnashish uchun imtiyozli shart-sharoitlar yaratish talablari buzilganligi aniqlangan/
Кўрилган чора	Ftiziatriya va Pulmonologiya tibbiy reabilitatsiya markaziga o‘tkazilgan tanlov savdosi qarorini va ushbu tanlov savdosi natijasida tuzilgan shartnomani haqiqiy emas deb topish choralarini ko‘rish orqali qonun buzilish holatini bartaraf etish va kelgusida bunday qonun buzilish holatiga yo‘l qo‘ymaslik haqida Qo‘mitaning ko‘rsatmasi berilgan



Эътиборингиз учун раҳмат!

@antimonuz antimonuz @antimonuz antimonuz